связана с “глиной, землёй”, это означает, что у древних тюрков имелись постоянные (стационарные) и кочевые (мобильные) поселения.

Ключевые слова. *Махмуд Кашгари, “Диван лугат ат-турк”, древние тюрки, Тюркский каганат, градостроительство, baliq.*

M. Khatamova

Some terms about towns and settlements in the work Makhmud Kashghari “Divan lughat at-turk”

In the article, a part of the Turkic peoples is considered in the era of antiquity and the early Middle Ages to lead a settled way of life, engaging in agriculture, gardening and various kinds of handicraft production, and also had its own rich urban culture. One of the most reliable proofs of the existence of towns among ancient Turks and the Turkic khaghanate is the existence of the originally Turkic terms *balnq*, *kerman*, *tura*, *toy* / *ton*, *qoriғan*, *uluљ*, denoting such concepts as “town”, “settlement”, “village”, “fortress”. Since most of the terms are related to “clay, land”, this means that the ancient Turks had permanent (stationary) and nomadic (mobile) settlements.

Key words: *Makhmud Kashghari, “Divan lughat at-turk”, ancient Turks, Turkic Khaghanate, urban culture, baliq.*

Г. Султонова

Расмий ҳужжатларда Бухоро ва Хива муносабатларининг акс этиши: талқин ва таҳлил[1]

Сўнгги ўрта асрларда Марказий Осиё минтақасида стратегик аҳамиятга эга бўлган Моваруннаҳр ва Хоразм бошқаруви гарчи бир сулола вакиллари томонидан қўлга олинган бўлса-да, у ердаги ҳокимият тизгинини тутган маҳаллий кучларнинг истак ва хоҳиши, сулола вакиллари ўртасидаги ўзаро тахт учун кураш ҳамда минтақада якка ҳукмронликни ўрнатиш мақсади аксарият ҳолларда давлатлараро зиддиятнинг асосий сабаби бўлган.

[1] Ушбу мақола “Türkiye Bilimsel ve Teknolojik Araştırma Kurumu” (TÜBİTAK – Туркиянинг илмий ва технологик тадқиқотлар кенгаши) томонидан қўллаб-қувватланган “Дипломатик хатларда тижорат масаласи: умумий қоидалар ва келишувлар” мавзусидаги лойиҳа доирасида тайёрланган.

Бу курашлар тасвири ўша даврда ёзилган асарларнинг асосий қисмида ўз аксини топган ва натижада тарихий тадқиқотларда кўпроқ Бухоро ва Хива хонлиги муносабатларининг салбий жиҳатлари кўрсатилган. Бугунгача бу соҳада амалга оширилган ишларнинг аксарияти маҳаллий тарихчилар томонидан ёзилган тарихий, агиографик, географик характердаги асарлар, хорижий сайёҳ ва элчиларнинг ҳисобот, кундалик ёки саёҳатномаларидаги маълумотларга асосланди ва уларга таянган ҳолда фикрлар илгари сурилди. Масалан, Шайбонийлар сулоласи вакиллари Шайбонийхон, Убайдуллахон ва Абдуллахон II нинг XVI асрда Хоразмга қилган ҳарбий юришлари ёки Хоразм хонларининг Бухоро ҳудудига қилган ҳужумлари икки давлат ўртасидаги зиддиятнинг асосий сабаби ўлароқ баҳоланди. Шайбонийларнинг Хоразм сафарлари марказлашган давлат тузиш учун қилинган ҳаракат сифатида талқин қилинди [4: 41]. Ваҳоланки, бундай мақсад Хоразмдаги сиёсий кучларда ҳам бўлган.

Умуман олганда, бу каби масалаларга Хива хонлиги тарихи бўйича мутахассислар Хоразм, Бухоро хонлиги тарихини ўрганган тадқиқотчилар эса Бухоро тарафидан туриб баҳо берган. Фикримизча, бу масалани ўша даврда Осиё ва Европада юз берган геосиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар, кучлар алмашинуви ва йирик давлатларнинг минтақа устида олиб борган сиёсати, ўша даврда Марказий Осиё минтақаси чегараларида пайдо бўлган ёки парчаланган давлатлардаги жараёнлар билан узвий боғлиқ ҳолда ўрганиш лозим. Ана шунда масала моҳиятини янада чуқурроқ англаб, тасвирни бутунлигича кўра оламиз. Албатта, бир мақолада бутун бир жараённи қамраб олиш мумкин эмас ва у алоҳида жиддий бир тадқиқот мавзуси ҳисобланади. Шу сабабдан, фикрларимизни икки давлат муносабатининг расмий ҳужжатларда акс этиши борасида давом эттирамиз.

Давлат ички сиёсати ва иқтисодиёти ҳамда ташқи сиёсатида бир-бири учун стратегик аҳамият касб этган, халқи маданий жиҳатдан ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлган бу икки хонлик ўртасидаги алоқалар тарихига тадқиқотчилар, шунингдек, бевосита икки давлат муносабати нуқтаи назаридан ёки бошқа давлатлар билан олиб борган алоқаларидаги бир фактор сифатида баҳо берган ва аввал таъкидланганидек, аксарияти маҳаллий манбалар ҳамда сафарномалардаги маълумотларга асосланган [15; 8: 120; 9: 130; 1: 162–165; 10: 189–201]. Мақолада икки давлат муносабатлари расмий ҳужжатлар, хусусан, дипломатик ёзишмалар ва расмий ҳисоботлар таҳлили орқали ёритишга ҳаракат қилинади. Нима учун масалага ушбу манбалар орқали ёндашилмоқда?

Маълумки, расмий хатлар давлат мақсадини дипломатик йўл билан ифода этувчи восита бўлиб, у ҳукмдорнинг маънавий ва сиёсий савиясини белгилайди [25: 69]. Шуниндек, хатлар шахсан ҳукмдорлар ёки ҳокимият

вакиллари томонидан ёзилгани учун ундаги маълумотлар расмий характерга эга. Дипломатик хатлардаги сўзлар бевосита ҳукмдорлар томонидан ифода этилгани сабаб, унинг мактуб йўлланган ҳукмдорга нисбатан муносабати ва унинг олдидаги мавқеини аниқлаш мумкин. Бундан ташқари, тарихий асарларда акс этмаган воқеалар ёки уларнинг сабаблари ёзишмаларда учрайди. Бу расмий ёзишмалар ичида элчиларнинг юборилган давлат ҳукмдорига ўзининг ташриф сабаби баён этилган хатлари ҳам борки, уларда ҳукмдор томонидан оғзаки равишда етказиши тайинланган маълумотлар ҳам ўз ифодасини топган. Шу билан бирга расмий ёзишмаларнинг кириш қисми ўша давлат ташқи сиёсатининг асосий идеологиясини ўрганиш ва хат ёзаётган ҳукмдорнинг халқаро майдондаги статусини белгилаш имконини беради.

Мақолада кўтарилаётган масаланинг манбавий асосини Россия давлати қадимги актлар архиви, Туркия Усмонли давлати архивида сақланаётган Бухоро ва Хива алоқаларига оид айрим хатларнинг асл, кўчирилган ёки таржима қилинган нусхалари, Британия кутубхонаси, ЎзРФА Шарқшунослик институти фондларида сақланаётган иншолар тўплами, тарихий асарлардан аниқланган баъзи хатлар, айрим рус расмийларининг ҳисобот ва ўзаро ёзишмалари талкиш этади.

Юқоридаги ҳужжатлар ва хатлар ёзилган давлатидан келиб чиқиб, регионал хусусиятига кўра классификацияланди ва таҳлил қилинди:

Бухоро ва Хива ҳукмдорларининг ўзаро ёзишмалари

Тадқиқот давомида аниқланган икки давлат муносабати акс этган хатлардан бири Британия кутубхонаси Осиё-Африка қўлёзмалар бўлимида сақланаётган Бадриддин Кашмирийнинг шайбоний Абдуллахон IIга бағишлаб ёзган “Равзат ас-салотин” (асар “Зафарнома” номи билан ҳам машҳур) асаридан ўрин олган [2: 515а–581б]. Асарнинг 52-57-фасллари Абдуллахоннинг Хоразм сафарига бағишланиб, унда Бухоро хонининг Хоразмга қилган юриши ва сабаблари, ўша вақтдаги Хоразм хони Ҳожи Муҳаммадга ёзган хатининг мазмуни акс этган. Асар муаллифининг таъкидлашича, ушбу юришга Хоразм давлати ҳудудидан Россия ва Европа давлатларига ўтувчи савдогарлар ва ҳожиларнинг Абдуллахонга Хива йўлида хавф-хатар кучайгани тўғрисидаги шикояти ва хатарни бартараф қилиш учун чора кўришни талаб қилганлиги сабаб бўлган. Кашмирийнинг маълум қилишича, Бухоро хони ушбу талаб асосида Хоразм хони Ҳожи Муҳаммадхонга Усмонли давлатига йўл олган савдо ва ҳаж зиёратчилар карвонини таланганлиги, Бухоро савдогарлари ҳаж карвонларидан турли бож солиғи олингани ва бу ҳолатни тўхтатишни талаб қилиб мактуб ёзган. Муаллиф асарида хатнинг тўлиқ мазмунини келтириш билан бирга Ҳожи

Муҳаммадхонинг жавоби ижобий бўлмагани сабабли Бухоро хони юриш бошлаганини таъкидлаган [2: 519а –520а].

Навбатдаги мактублар иншолар тўпламидаги Бухоро хони Амир Ҳайдарнинг (1800–1825) Муҳаммад Раҳимхон (1806–1825)га ва манғит Амир Насруллохон (1826–1860)нинг Хива хони Муҳаммад Амин (1845–1855)га ёзган хатидан иборат [5: 68 а-б].

Амир Ҳайдарнинг Муҳаммад Раҳимхонга ёзган хатида Хива ҳукмдори шарафига айтилган қисқа мақтовдан сўнг ўзининг офиятда эканлиги, Хива элчилари Хасан Мурод оталиқ ва Қандимбек юзбошини соғ-саломат Бухорога етиб келгани, улар келтирган мактуб ва хабарлардан мамнун бўлгани, Муҳаммад Раҳимхонни тахтга чиққанлигини қутлаш билан бирга, оталиқ унинг оғзаки етказишини буюрган хабарини маълум қилингани, бир неча кун давом этган фитна ва қўзғалонни Аллоҳ хоҳиши ва иродаси билан бостиргани, давлатлар ўртасидаги савдо йўли хавфсизлигини таъминлаш икки мамлакат аҳолиси учун ҳам жуда фойдали бўлишини ва Аллоҳдан иккисинида муваффақ айлашини сўраши баён этилган [5: 196 б].

Шунингдек, *“Мактубот, муншаот ва маншурот”* асарида исми зикр этилмаган Хоразм хонининг Бухоро ҳукмдорига ёзган хати келтирилган [5: 27 а-б]. Мактубда унинг муаллифи ва Бухоронинг қайси ҳукмдори номига ёзилганлигини кўрсатувчи бирон маълумот учрамайди. Бироқ хат мазмуни у даврда Хива ва Бухоро ўртасида дўстона муносабат ўрнатилганини Хива хони хатининг кириш қисмида қўллаган узундан-узоқ илтифотли сўзлари ҳамда Бухоро хони шарафини улуғловчи калималар тасдиқлайди. Хат сўнгида Одина Мурод оталиқ уйғурни қадимги одатларга кўра, элчи сифатида юбораётгани зикр этилган. “Фирдавс ал-иқбол” асарида бу шахснинг исми Муҳаммад Раҳимхон I ҳукмронлиги даври воқеалари баёнида учраганлигини ҳисобга олиб, хатни Хива хони Амир Ҳайдарга ёзган, дейиш мумкин [9: 325].

Хонликларнинг Россия ва Усмонли империяси билан ёзишмаларида икки давлат муносабатининг акс этиши

Усмонли империяси билан ёзишмалар

Бухоро ва Хива муносабати борасидаги дастлабки маълумот Шайбонийлар сулоласи вакили Абдуллатифхоннинг (1540–1551) Қонуний Султон Сулаймон (1520–1566)га 1541 йил февраль ойида етиб борган мактубида учрайди. Эрон сафавийлари билан кураши тўғрисида баҳс юритилган ушбу хатда Абдуллатифхон, Хоразм ҳукмдорларининг Хуросон учун курашда Бухорога қарши Эрон билан иттифоқ тузганлигини ёзган [17].

Икки хонлик ўртасидаги зиддият ҳақида маълумот берувчи яна бир мактуб шайбоний Абдуллахон II номидан Усмонли ҳукмдорига битилган бўлиб, Амир Абдуллоҳ исмли элчи томонидан келтирилган хатда Бухоро хони Хоразмни эгаллагани бутун Туркистонни сиёсий бирлигини такрор сақлагани тўғрисида хабар бериб, буни ҳаж йўли хавфсизлигини таъминловчи бир ҳаракат сифатида кўрсатган. Хатдаги воқеа баёни юқорида тилга олинган Кашмирийнинг “Равзат ас-салотин” асаридаги маълумотлар билан бир хил бўлиб, Кашмирий асарига ушбу хат мазмунини киритганлигини тасдиқлайди. Унда ёзилишича, Абдуллахон IIнинг Хоразмга қилган юришига, Султон Маҳмуд III (1574–1595)нинг тахтга чиқиши муносабати билан табриклаш учун юборилган Бухоро элчиси ва Маккага ҳаж зиёрати учун сафарга чиққан бухороликларнинг карвонини Хоразм ҳокимининг амрига кўра талон-тарож қилингани сабаб бўлган [18: 565–566].

Ушбу воқеа тафсилоти Усмонли давлатининг вазири Жарроҳ Муҳаммад пошшонинг Абдуллахонга ёзган жавоб мактубида ҳам акс этган. Вазир Хоразм ва Манғиқишлоқ ҳудудлари Ҳожи Муҳаммадхон тасарруфидаги даврда йўллар хафвсиз бўлгани, Туркистон, Самарқанд, Мовароуннаҳр, Бухоро савдогар ва ҳожилари бехавотир бу йўллардан Русияга савдо ва Каъбага ҳаж зиёрати учун бориб-келганини ифодалар экан, бу ҳудудлар шу онда айни ҳукмдор қўл остида хатарли ҳолга айлангани ҳақида Истанбулга хабар келмагани ва бу ҳолатда айбдорлар жазосини олиши лозимлигини таъкидлаган [18: 139–140; 23: 108–110]. Маълумки, Абдуллахон IIнинг асл юриш сабаби савдо йўли хавфсизлигини таъминлашдан ташқари, минтақадаги рақиби ва доимий ҳужумлари билан Бухоро давлати чегараларига хавф солаётган, Хуросонда ўз ҳокимиятини ўнатишга тўсқинлик қилаётган асосий кучлардан бирини сиёсат майдонидан йўқ қилиб, якка ҳукмронлигини ўрнатиш бўлган. Фақат бу ҳаракатини оқлаш учун Усмонли султонлари учун муҳим бўлган ҳаж сафарини баҳона сифатида кўрсатган. Зеро, у даврда Усмонли султонлари мусулмонларнинг халифаси ҳисобланган ва улар учун бу сабаб муҳим ўрин тутган.

Икки хонлик ҳукмдорларининг Усмонлилар билан ёзишмаларидаги маълумотлар гарчи икки куч минтақадаги манфаатлар тўқнашуви сабаб бирлаша олмаган бўлса-да, ташқи хавфга нисбатан халқаро майдонда баъзан ўртоқ ҳаракат қилган, дея фикр юритиш имконини беради. Хусусан, Усмонли давлати хорижия нозирлиги ҳужжатларида Хоразм хони Ҳожи Муҳаммадхонинг Ҳайдар Баҳодир исмли элчиси Бухородан келган Араб шайх исмли уламо билан бирга Усмонли султони ҳузурига ташриф буюриб, мусулмон савдогарлар, ҳаж зиёратчиларининг Идил бўйи ва Астрахандан ўтишда дуч келаётган қийинчиликлари ҳақида Султонга батафсил маълумот

бергани ва уни бартараф қилиш учун ёрдам сўрагани ҳақида маълумот учрайди [23; 16: 28]. Ўз ўрнида икки давлат вакилининг бу ташрифини Россия таъсирининг минтақа ҳудудларига ёйилишига қарши бошқа давлатлар эътиборини қаратиш учун қилган бир ҳаракат сифатида баҳолаш мумкин. Ушбу маълумот Рус давлатининг босқинчилик сиёсатига қарши кураш хонликлар ташқи сиёсатида XVI асрдан бошланганини тасдиқлаш билан бирга савдогарлар хавфсизлигини таъминлаш ташқи сиёсатнинг асосий вазифаларидан бири бўлганини кўрсатади.

Усмонли архиви ҳужжатлари Россиянинг Марказий Осиёга кириб келишига қарши ҳаракат Бухоро ва Хива ташқи сиёсатида XVIII асрда ҳам давом этганлигини кузатиш имконини беради. Жумладан, “Номаи Ҳумоюн дафтари”да Бухоро хони Шоҳмуроднинг 1789 йилда Усмонли давлатига юборган элчиси Муҳаммад Бодибекнинг Султонга оғзаки тарзда етказилиши буюрилган маълумоти қайд этилган. Унга кўра, Шоҳмурод Усмонли-Россия уруши ҳақида сўз юритиб, бу урушда Усмонли давлати тарафида эканлиги ҳамда русларга қарши жангга киришга тайёрлигини ифода этган [20; 14: 69–72].

Хива хонининг ҳам бу урушда Бухоро ҳукмдори билан бир хил стратегияни тутганини Муҳаммад Аминхоннинг Усмонли султонига юборган хатидаги сўзлари тасдиқлайди. Хоразм хони ва Усмонли Султони ўртасидаги бу ёзишмаларда Рус давлати билан Хива ўртасида тузилган аҳднома, унга Россия ҳукмдорининг амал қилмагани, хонлик чегараларида истеҳком қургани сабаб Муҳаммад Аминхон Россияга қарши урушда Усмонли давлатини қўллаб-қувватлашини билдирган [22].

Юқоридаги маълумотлар XVI–XVIII асрларда Бухоро ва Хиванинг Усмонлилар билан алоқаларида Россия фактори муҳим роль ўйнаганини кўрсатади. Шунингдек, икки хонлик ҳукмдорлари ҳам халқаро майдонда Россияга қарши бошқа давлатлар билан ҳамкорлик қилган бўлса-да, минтақани ундан сақлаш борасида ўзаро келишувга эриша олмаган. Аввал таъкидланганидек, бунга асосий сабаб дастлаб Шайбон сулоласи вакиллари ўртасидаги, кейинчалик манғит ва қўнғиротларнинг минтақада гегемонлик учун кураши бўлган. Якка ҳукмронлик бутун Ғарбу Шарққа узайган савдо йўлига ва улардан келадиган моддий-маънавий имкониятларни қўлга киритиш, халқаро майдонда муҳим стратегияни эгаллаш маъносини англатарди. Шу билан бирга, ташқи ҳужумларга, ўзаро урушларга барҳам бериш, натижада узлуксиз савдонинг ривожланиши ва давлат иқтисодининг кучайиши демак эди. Ҳукмдорларни тахтга келишида қўллаб-қувватлаган икки хонликдаги кучларнинг ҳар бири бу имконият ва вазиятни ўз қўл остида бўлишини истаган.

Хонларнинг минтақада якка ҳукмронликка интилиши улар олиб борган сиёсати, ҳаракатларидагина эмас, балки дипломатик хатларида ҳам ўз аксини топган. Масалан, Амир Ҳайдарнинг 1816 йил Бухоро элчиси Девонбеги Мирза Муҳаммад Юсуф орқали Усмонли султонга баъзи китоблар юборишини сўраб ёзган хатида Мовароуннаҳр, Қозоқ, Дашти Қипчоқ, Хоразм, Балх, Бадашхон, Қўқон яна ўз давлати таркибига киритилгани, фақат Хоразм ва Қўқон ҳокимлари баъзан итоатсизлик қилаётгани, шу сабабли, бу икки давлат ҳокимлари устидан ҳукмронлик қилиш ваколатини берувчи расмий ҳужжат жўнатишини сўраган [19; 21]. Амир Ҳайдарнинг мактуби унинг бутун минтақада ўрнатмоқчи бўлган ҳокимиятини Усмонли халифаси ёрдамида қонунийлаштирмоқчи бўлганини кўрсатади.

Россия билан ёзишмаларда икки хонлик алоқалари масаласи

Бухоро ва Хиванинг Россия билан ёзишмаларида, асосан, уларнинг хонликларда кечган тахт учун курашлардаги роли, яъни Бухоронинг Хива ёки Хиванинг Бухоро саройида ўз таъсирини ўрнатиш мақсадида амалга оширган ишлари тўғрисидаги маълумотлар ўрин олган. Шунингдек, икки давлат орасидаги ижобий муносабатлар акс этган фактлар ҳам учрайди. Хусусан, 1622 йилда Москвада турган Хива шаҳзодаси Афғон Муҳаммад ибн Араб Муҳаммад Рус ҳукмдори Михаил Феодоровичга ёзган "*иноятнома"*сидаги фикрлар буни тасдиқлайди. У ўз хатида Хива хонлигида юз берган ўзаро тахт учун кураш ва унинг оқибатлари ҳақида сўз юритар экан, унинг отаси Араб Муҳаммадхон даврида Хива Россия, Эрон ва Ҳиндистон билан бир қаторда Бухоро билан ҳам дўстона алоқада бўлгани, унинг онаси Бухоро хони Имомқулихоннинг кичик синглиси бўлгани учун улар ўзаро низога кирмаганлигини баён этган. Шунингдек, икки ўгай акаларининг тахт учун кураши натижасида укаларидан бири Абулғози ва Шариф Муҳаммад султон Бухорога Имомқули ҳузурига қочганини ёзган. Афғон Муҳаммад султон Эронга сиғинган Исфандиёрхонга Шоҳаббос қўшинлари билан, Бухорога қочган Абулғози эса Бухоро ҳукмдори ёрдамида Хивага тахт учун юриш қилаётгани, шу сабабли, унга рус қўшинларидан беришини сўраган [11; 6: 300–301].

Хива шаҳзодаси мактубининг мазмуни бир томондан, Бухоро ва Хива ўртасидаги сулолавий-никоҳ муносабати ва унинг натижасида юзага келган дўстона алоқалар ҳақида сўз юритиш имконини беради. Иккинчи томондан, Хива хонлигида Бухоро-Эрон-Россия манфаатлари тўқнашуви ва учала давлат ўзига тарафдор бўлган шаҳзодани тахтга чиқаришга ҳаракат қилганини кўриш мумкин. Бироқ хатда ифода этилганидек, Абулғозихон Бухоро ҳукмдори эмас, балки Оролбўйи ўзбеклари ёрдамида тахтга

чиққанлиги бирламчи манбаларда ёзилган ва бу тадқиқотчилар томонидан ҳам исботланган.

Нодир Муҳаммаднинг Россия ҳукмдори Михаил Федоровичга ёзган хатида Афғон Муҳаммадга жиянлари Саид ва Ашраф томонидан юборилган мактуб эслатилиб, марҳум Исфандиёрхоннинг хотираси ҳурмати унинг фарзандларига Бухоро саройида бахтли, хотиржам ҳаёт сураётгани ва бутун Урганч хонлиги унинг қўлига ўтганлигини таъкидлаган [12]. Бухоро хонининг бу сўзлари Хива хонига нисбатан садоқатини исботлашдек кўринса-да, аслида бу орқали Нодир Муҳаммад Хивадаги сиёсий беқарорлик ва тахт учун курашда катта роль ўйнагани, бу курашда унинг қўли баланд келиб, ўз таъсирини ўрнатгани, минтақада кучининг ортганлигини Россия подшосига билдирмоқчи бўлган, десак хато бўлмайди.

Хива расмийларининг ўзаро ёзишмаларида Бухоро фактори

Хоразм тахти учун курашлар ва унда Бухоро ҳукмдорларининг роли масаласи уларнинг ўзаро ички ёзишмаларида ҳам ўз аксини топган. 1643 йилда Москвага ташриф буюрган Бухоро хони Нодир Муҳаммаднинг элчиси билан бирга келган Шайх Бобо исмли (хивалик йирик савдогар) чопар Рус подшоси ҳузурида паноҳ топган Хива шаҳзодаси Афғон султонга Бухоро саройидаги жияни Исфандиёрхоннинг ўғиллари Саид ва Хивадаги Ашраф номидан хатлар келтирган. Амакисига ёзган мактубида Саид султон отаси Исфандиёр вафот этмасдан аввал ўзига яқин амалдорлари билан маслаҳатлашиб, унга бир кори ҳол бўлса хат муаллифи, яъни шаҳзода Саидни Бухоро саройига юборишга келишгани ва бунга асосан у Бухорога келганини баён этган. Хатда Бухоро хонининг сўзига кўра, Урганчдан уларни қўллаб-қувватловчи таниқли кишилар келиши, улар билан бирга шаҳзода Саидни Хивага юбориши, шу сабабли, отаси Исфандиёр тахтини қайта уларга насиб қилишидан умидвор эканлигини ёзган. Хат охирида шаҳзода Саид ибн Исфандиёрхон номи ёзилган муҳр қўйилган. Шаҳзода Ашрафнинг мактуби ҳам айни мазмундан иборат бўлиб, Бухородан, Саид султондан хабар кутаётганлиги қайд этилган [6: 304–306].

1646 йилда Абулғозихон томонидан Москвада бўлган Афғон султонига ёзилган мактубдаги фикрлари юқорида таҳлил қилинган хатлардаги маълумотларни тасдиқлайди. У акалари Исфандиёрхон вафот этгандан сўнг Хазорасп ва Хива Бухоро ҳукмдори Нодир Муҳаммад томонидан эгалланган, Исфандиёрхоннинг ўғиллари ва оиласини Бухорога олиб кетганлигини ёзган. Хат охирида Бухоро хони ва ўғли ўртасидаги тахт учун кураш натижасида Бухорода Абдулазизхон ғалаба қилгани, Нодир Муҳаммаднинг Балхга, у ердан Эронга қочиб кетгани, Бухорога Нодир Муҳаммад томонидан келтирилган марҳум Хива хони Исфандиёрнинг оиласи ва ўғиллари эса Абулғозихон ҳузурига юборилгани баён этилган [6:

315–316]. Бухоро ҳукмдорларининг Хива тахти учун курашларга бевосита аралашуви, ўзига қарашли кишиларни ҳокимиятга чиқаришга уринганлиги Хива шаҳзодалари сўзлари орқали яна бир бор ўз тасдиғини топганини кўриш мумкин.

Хорижий давлатлар расмийларининг ўзаро ёзишма ва ҳисоботлари

Ушбу гуруҳга Россия архивида сақланаётган Рус подшолиги, кўплаб давлат расмийларининг Бухоро ва Хива бўйича ҳисоботлари, ахборот хатлари ва ўзаро ёзишмалари каби ҳужжатларни киритиш мумкин. Масалан, Астрахан ўқчилар гвардияси командири Степан Шукиннинг Хива элчиси Шайх Бобо билан қилган суҳбати натижасида тайёрлаган ахборот хатида Хива хони Абулғозихоннинг Ҳиндистон шоҳи билан иттифоқ тузиб, собиқ Бухоро хони Нодир Муҳаммадга қарши юриш қилгани, уни Балхдан суриб чиқаргани ёзилган [13]. Рус ҳарбийсининг бу маълумоти Бухоро ва Хива муносабатларида муҳим ўрин тутган Хуросон факторини намоён қилади.

1677 йилда Хивадан қайтаётган рус элчиси Василий Даудовнинг Рус подшоси Михаил Феодоровичга ёзган хатида Бухородаги тахт учун кураш ва унда Хиванинг ролини кўрсатувчи маълумотлар келтирилган. Элчи Бухоро тахти учун Абдулазизхон ва Субҳонқули ўртасида бўлган кураш ҳақида тўхталиб, иккаласи ҳам Хива хонидан ҳарбий ёрдам сўраб бир неча маротаба элчилар юборгани ҳақида хабар беради. Жумладан, Абдулазизхон ўзининг яқин кишиларидан бири Қора Ботир ҳожини Хива ҳукмдори Ануша Муҳаммадхон ҳузурига юборганини баён этган. Бухородан келган бу элчиликнинг мақсади борасида сўз юритган Даудов, олтин-кумушлар билан бирга қимматбаҳо совғалар келтирган элчи Хива хонига Бухоро хонининг қизини ўз никоҳига олишни таклиф қилганини ёзган. Рус элчисининг фикрича, бунинг эвазига Бухоро элчиси Хива ҳукмдорига Балх ҳокими Субхонқулига қарши ҳарбий иттифоқ тузишни таклиф қилган. Худди шундай таклиф билан Субхонқули ҳам элчи юборган, бироқ Хива хони Абдулазизнинг таклифини қабул қилган [6: 339].

Рус расмийлари томонидан тайёрланган ҳужжатларда Хива-Бухоро зиддиятларидан ташқари ҳар қандай сиёсий беқарорликка қарамай давом этаётган савдо алоқалари ва ўзаро сиёсий келишувлар ҳақида ҳам маълумотлар бор. Жумладан, Хивага Ануша Муҳаммад Баҳодирхон саройига ташриф буюрган рус элчиси Иван Федотьев ўзининг сафар ҳисоботида Хонқа шаҳридаги савдони кузатиш чоғида бозорда сотилаётган бўз, зиғир толасидан тўқилган рангли мато ва қоғоз Бухородан хивалик савдогарлар томонидан келтирилганига гувоҳ бўлганини ёзган. Шунингдек, унинг ташрифи чоғида Бухородан Хива саройига элчи келгани, элчининг Хива хонига чопон келтиргани ва бу элчиликнинг мақсади Бухоро хонининг қизи билан турмуш қуришига келишилгани ҳақида хабар беради [6: 334–335].

Умуман олганда, расмий ҳужжатлардаги фактларнинг айримлари маҳаллий манбаларда келтирилган маълумотларни такрорласа-да, улар юз берган ҳодисаларни бевосита сабабчиси ёки иштирокчиси ҳисобланган шахслар, яъни сарой вакиллари ва давлат расмийлари тилидан ўрганиш, масалага улар нуқтаи назаридан боқиш ва манбаларда акс этмаган жиҳатларини кўриш имконини беради.

Ҳужжатлар таҳлили биринчидан, минтақада устунликни ўрнатиш мақсади, Хуросон каби ҳудудлардаги манфаатлар тўқнашуви, баъзида ташқи кучларнинг аралашуви икки давлат муносабатларидаги зиддиятларга ҳамда урушларга сабаб бўлганини кўрсатади. Шу билан бирга, икки хонлик гарчи минтақага яқинлашаётган Россия каби хавфларни бартараф этишда ўзаро иттифоқ туза олмаган бўлсалар-да, халқаро майдонда бу масалада бир хил стратегияни тутган ва бу борада бошқа давлатлар билан ҳамкорлик қилган, деб хулоса қилиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Аллаева Н. XIX асрга оид “Хоразм сафарномалари”нинг Хива хонлигидаги “элчилик хизмати” тарихини ўрганишдаги роли. // Ўзбекистонда элчилик хизмати тарихидан: талқин ва таҳлил. Тошкент, 2016. Б. 162–165.
2. Бадриддин Кашмирий. Равзат ас-салотин. Британия кутубхонаси қўлёзмаси, автограф, инв № OR14244.
3. Бадриддин Кашмирий. Равзат ар-ризвон ва ҳадиқати ал-ғилмон. ЎзРФА ШИ қўлёзмаси, автограф, инв. №2094.
4. История Узбекистана (XVI – первой половины XIX вв.). / отв. ред. Д.А. Алимова. Т.IV. Ташкент, 2010.
5. Мактубот, муншаот ва маншурот. ЎзРФА ШИ қўлёзмаси, инв. №289.
6. Материалы по истории Узбекской, Таджикской и Туркменской ССР (МИУТТ). / Редактор издания академик А.Н. Самойлович. Ч.1. Ленинград, 1932.
7. Маҳмудов М., Шерипов У. Хива хонлиги тарихи. Урганч, 2013.
8. Мунировъ Қ. Хоразмда тарихнавислик. Тошкент, 2002.
9. Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол. / Масъул муҳаррир Ш. Воҳидов. Тошкент, 2010.
10. Полвонов Ж. 1806–1842 йилларда Хива хонлиги ва Бухоро амирлиги ўртасидаги сиёсий ва дипломатик алоқалар. // Ўзбекистонда элчилик хизмати тарихидан: талқин ва таҳлил. Тошкент, 2016. Б. 189–201.
11. Российский Государственный архив древних актов (РГАДА). Ф-134, оп.-2, д.-1, 1622.

12. Российский Государственный архив древних актов (РГАДА). Ф-134, оп.-2, д.-6, 1644.

13. Российский Государственный архив древних актов (РГАДА). Астраханские акты. Акт 1646.

14. Belgelerle Osmanli–Tьrkïstan ïlïşkïlerï (XVI–XX уьzуэllar) / Editцrler Cevat Ekici ve Kemal Gurulkan. Ankara, 2005.

15. Bregel Y. The Administration of Bukhara under the Manghits and Some Tashkent Manuscripts. Papers on Inner Asia 34, 2000.

16. Budak M. Osmanlэ–Цzbek siyasi mьnasebetleri (1510–1740). Doktora tezi. Istanbul, 1987.

17. Buhara hьkьmdarэ Єeybaniylerden Abdullatif Han'эn Kanuni Sultan Sьleyman'a farsзe namesi. Topkapэ Saray Mьzesi Arєivi, No. E 5489.

18. Feridun Bey. Месmыа-i Mьnєевtь's-selвton. TBMM kьtьphanesi, No. 71–5305. Cild II.

19. Hatt-э Hьmayun. Turkiye Baєbakanlэk Osmanlэ arєivi. Fon No. 36581-A.

20. Name-i Hьmayun Defteri. Turkiye Baєbakanlэk Osmanlэ arєivi. No. 10/288.

21. Name-i Hьmayun Defteri. Turkiye Baєbakanlэk Osmanlэ arєivi. No. 4/1.

22. Nвme-i Hьmвуыn Kэsmэ Belgeleri, Turkiye Baєbakanlэk Osmanlэ arєivi, Fon A.DVN.NMH, dosya No. 43, gцmlek No. 29.

23. Saray M. Rus iєgali devrinde Osmanlэ devleti ile Tьrkistan Hanlэklarэ arasэndaki siyasi mьnasebetler. Ankara, 1986.

24. Sarэ Abdullah Efendi. Dastur al-insha. Эstanbul kutuphanesi. Nr. 1252.

25. The Book of Messengers of Kings (Kitвb Rusul al-Mulыk) of ibn Farrв' / Translated from the Arabic and annotated by Maria Vaiou, I.B. Tauris & Co.Ltd, New York–London, 2015.

Г. Султонова

Расмий ҳужжатларда Бухоро ва Хива муносабатларининг акс этиши: талқин ва таҳлил

Ушбу мақолада Бухоро ва Хива хонликлари ўртасидаги муносабат дипломатик ёзишмалар, расмий ҳисоботлар ҳамда айрим тарихий ёзма асарлар асосида таҳлил қилинган. Икки давлатнинг ўзаро алоқалари Туркия, Россия ва Ўзбекистон архиви ва қўлёзма фондларидаги ҳужжатлар ҳамда асарлардаги ҳукмдор ва давлат расмийларининг маълумотлари асосида икки давлат сиёсий ва савдо алоқалари ҳолатига баҳо берилган. Икки хонлик алоқаларига оид манбалар ҳудудий ва минтақавий хусусиятига кўра

таснифланган, давлатлараро низолар ва дўстона муносабатларнинг келиб чиқиш сабаблари кўрсатилган.

Калит сўзлар: *дипломатик ҳужжатлар, хатлар, Бухоро, Хива, Усмонли империяси, элчилик алмашинуви.*

Г. Султанова

Отражение отношений Бухары и Хивы в официальных документах: интерпретация и анализ

В этой статье анализируются отношения между Бухарой и Хивинским ханством на основе официальных документов, в том числе, дипломатической корреспонденции и официальных отчетов.

Взаимоотношения обоих государств изучались по архивным документам и рукописи России, Турции и Узбекистана. Кроме того, обсуждались взгляды верховных правителей и государственных чиновников на политические и торговые отношения Бухары и Хивы. Документы, касающиеся отношений между двумя ханствами, классифицированы в соответствии с их региональной спецификой и приведены причины конфликтов и дружеских отношений.

Ключевые слова: *дипломатические документы, письма, официальные отчеты, Бухара, Хива, Османская империя, посольские обмены.*

G. Sultonova

Reflection of Bukhara and Khiva relations in the official documents: interpretation and analysis

This article analyzes the relations between Bukhara and Khiva khanateon the base of official documents, including diplomatic correspondence and official reports.

Mutual relations of both states were explored through archival documents and manuscripts of Russia, Turkey and Uzbekistan, historical narratives in the British library and Furthermore there were discussed on the views of supreme rulers and state officials on political and trade relations of Bukhara and Khiva. The documents related to the relations between the two countries classified according to their regional peculiarity and presented the reasons of the conflicts and friendly relationships.

Key words: *diplomatic documents, correspondence, official reports, Bukhara, Khiva, Ottoman empire, ambassadorial exchanges.*